



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378:006.83

КБК: 74.58(5Ў)

Я – 49

Якубов, Ш.

Олий таълим муассасаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш тартиби [Матн] : методик қўлланма / Ш. Якубов, М. Хуррамов. – Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 28 б.

ISBN 978-9943-7215-3-1

Мазкур методик қўлланма Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан олий таълим муассасаларига халқаро аккредитациядан ўтиш борасида методик ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма халқаро аккредитация ва унинг турлари, таълим дастурларини аккредитациялашнинг тартиб-таомиллари, институционал аккредитациядан ўтиш жараёнлари, халқаро аккредитация ташкилотларининг баҳолаш мезонлари ҳамда аккредитация комиссиясининг якуний қарорлари борасидаги масалаларга багишланган.

Ушбу методик қўлланма олий таълим муассасалари бошқарув ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:006.83

КБК: 74.58(5Ў)

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-3-1

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар олий таълим муассасалари олдига бир қатор вазифаларни қўймоқда. Олий таълим муассасалари фаолиятини жаҳон андозаларига мослаштириш, таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига кириш, ташқи академик мобилликни ривожлантириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мазкур қўлланма олий таълим муассасаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш борасида олий таълим ташкилотларига методик кўмак кўрсатиш борасида ташланган навбатдаги қадамлардан биридир. Қўлланмада халқаро аккредитация ва унинг турлари, таълим дастурларини аккредитациялашнинг тартиб-таомиллари, институционал аккредитациядан ўтиш жараёнлари, халқаро аккредитация ташкилотларининг баҳолаш мезонлари ҳамда аккредитация комиссиясининг якуний қарорлари ҳақидаги муҳим масалалар ёритилган.

Қўлланма билан танишиш давомида қуйидаги саволларга жавоб топишингиз мумкин:

- *Халқаро аккредитациядан ўтишнинг афзалликлари нимада?*
- *Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш тартиби қандай?*
- *Аккредитация ташкилотларининг баҳолаш мезонлари қайси стандартларга асосланади?*
- *Халқаро аккредитация ташкилотлари фаолиятининг ишончлилигини қандай билиш мумкин?*





- Аккредитация жараёни неча босқичда амалга оширилади?
- Аккредитация комиссияси қарорлари нимага асосланиб чиқарилади?
- Халқаро аккредитациядан ўтиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар қайси?

Ушбу методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2022 йил 5 майдаги “2022–2026 йилларда Тошкент шаҳри ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 236-қарори 2-иловасининг 66-бандида “2022-2023 йилларда камида 20 та олийгоҳ таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш” вазифаси ижросини таъминлашда олий таълим муассасалари учун муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилади.

ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯ: МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Аккредитация лотинча “accredo” “ишонмоқ” сўзидан олинган бўлиб, тақдим қилинаётган хизмат сифатининг муайян стандартга мувофиқлигини расмий тасдиқлаш жараёнидир [1].

Халқаро аккредитация – таълим дастурлари ёки олий таълим муассасасининг халқаро сифат стандартларига мувофиқлигини аниқлаш жараёнидир [2]. Одатда аккредитация жараёнлари таълим дастурларининг халқаро ва Европа сифат стандартларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларининг халқаро аккредитациядан ўтиши уларга бир қатор имкониятларни тақдим этади. Шу маънода, халқаро аккредитациянинг ўзига хос устун жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

олий таълим муассасаси томонидан берилаётган малакалар халқаро даражада тан олинади, таълим ва хизматларнинг сифати кафолатланади ҳамда уларнинг халқаро талабларга мувофиқлиги текширилади;





олий таълим муассасасининг нуфузи ва жозибadorлиги ошади ҳамда тақдим этилаётган таълим дастурларининг самарадорлиги ортади;

олий таълим муассасаси фаолияти, тақдим этилаётган таълим дастурлари даражаси сифат жиҳатидан баҳоланади, фойдаланилмаган имкониятлар, салоҳият ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида объектив маълумот олиш имконияти пайдо бўлади;

олий таълим муассасаларининг жаҳон таълим тизимига кенг интеграциялашувига ва таълим хизматларининг ташқи бозорга чиқишига кенг имкониятлар очилади;

олий таълим муассасасининг халқаро имижни ошади, таълим хизматларининг миллий ва халқаро бозорда рақобатбардош мавқеи мустаҳкамланади, халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаш имконияти пайдо бўлади.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ БИЛАН ШУЎУЛЛАНУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Қайд этиш лозимки, халқаро аккредитациядан ўтиш жараёни миллий олий таълим муассасалари учун бутунлай янги тажриба ҳисобланиб, бугунги кунга қадар санокли олий таълим ташкилотларигина бу жараёндан ўтган. Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказган олий таълим муассасалари ҳам қатор қийинчиликларга дуч келган.

Улар қуйидагилардан иборат:

1. Олий таълим муассасасининг ихтисослик ва йўналишларига мос келадиган халқаро аккредитация ташкилотини аниқлаш ва танлаш;

2. Хорижий аккредитация ташкилотларининг аккредитациядан ўтказиш тартиб-қоидалари тўғрисида ўзбек тилидаги маълумотларнинг йўқлиги;

3. Халқаро аккредитациядан ўтиш нархи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги ҳамда халқаро аккредитациядан ўтиш нархининг қимматлиги;

4. Катта ҳажмдаги ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш зарурати;

5. Халқаро аккредитациядан ўтишга тайёргарлик кўриш учун сарфланадиган харажатларнинг юқорилиги.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларининг етарли тажрибага эга эмаслиги ҳамда белгиланган талабларни ўз вақтида бажара олмаслиги оқибатида халқаро аккредитация ташкилотлари аккредитациядан ўтказишни рад этиши хавфи ҳам бор. Бу ўринда олий таълим муассасалари катта молиявий маблағларини йўқотишлари





мумкин. Шунингдек, келажақда халқаро аккредитациядан ўтмоқчи бўлган олий таълим ташкилотлари тижорий мақсадларни кўзлаган, фаолияти халқаро тан олинмаган ташкилотларнинг тузоғига тушиб қолиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Шу ўринда савол туғилади, юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларга тушиб қолмаслик учун қандай йўл тутиш керак? Халқаро аккредитация ташкилотлари фаолиятининг ишончилигини қандай аниқлаш мумкин?

Хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, олий таълим бошқарув тизими марказлашган давлатлар (Россия ва Қозоғистон) да таълим сифатига масъул давлат органлари (Россиянинг Таълим ва фан соҳасида федерал назорат хизмати, Қозоғистонда эса Фан ва таълим вазирлиги) томонидан “Тан олинган халқаро аккредитация ташкилотлари реестри” юритилади. Мазкур давлатларнинг олий таълим муассасалари реестрга киритилган халқаро аккредитация ташкилотлари орқали аккредитациядан ўтади.

Олий таълим бошқарув тизими марказлашмаган давлатлар (АҚШ, Европанинг кўпгина давлатлари ва Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатлари)да эса олий таълим ташкилотлари таълим сифатига масъул давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда аккредитация агентликлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи халқаро уюшмаларга аъзо бўлган, халқаро даражада эътироф этилган аккредитация ташкилотлари орқали мустақил тарзда аккредитациядан ўтади.

Дунёда кенг миқёсда тан олинган халқаро уюшмаларга қўйидагиларни киритиш мумкин:



Олий таълимда таълим сифатини таъминлаш агентликларининг халқаро тармоғи (INQAAHE – The International Network for Quality Assurance Agencies in Higher Education) 1991 йилда 8 та аъзо ташкилот келишуви асосида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 300 дан зиёд таълим сифатини таъминлаш ва аккредитациядан ўтказишга масъул ташкилотлар аъзоликка қабул қилинган. Халқаро тармоқнинг асосий мақсади – аъзолари ўртасидаги фаол халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, муваффақиятли тажрибаларни кенг тарғиб қилиш ҳамда таълим сифатини ошириш йўлида зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат [3].

**The European Association for
Quality Assurance in Higher Education**

Олий таълим сифатини таъминлаш Европа Ассоциацияси (ENQA – European Association for Quality Assurance in Higher Education) 2000 йилдан буён Болонья декларациясига мувофиқ фаолият юритади ва Европа олий таълим маконига (EHEA – The European Higher Education Area) мансуб давлатларнинг аккредитациядан ўтказишга масъул ташкилотлари аъзоликка қабул қилинади [4]. Асосий мақсади – Европа

олий таълим маконида таълим сифатини таъминлаш бўйича асосий тамойиллар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш орқали аккредитация жараёнлари ва стандартларини уйғунлаштириш, аъзо давлатларнинг таълим сифатига масъул ташкилотларининг салоҳиятини ошириш ва таълим сифати талабларини стандартлаштириш.



Олий таълимда Европа таълим сифатини таъминлаш ташкилотлари реестри (EQAR – The European Quality Assurance Register for Higher Education) 2008 йилда ташкил топган [5]. Унинг таъсисчилари Европада таълим сифатини таъминлашга масъул бўлган Европа тўртлиги (E4) ҳисобланади. Улар: Европа таълим сифатини таъминлаш тармоғи (ENQA – European Association for Quality Assurance in Higher Education), Европа талабалар уюшмаси (ESU – European Students' Union), Европа ОТМлар уюшмаси (EUA – European University Association), Олий таълим ташкилотларининг Европа уюшмаси (EURASHE – European Association of Institutions in Higher Education). Шунингдек, 2015 йилда Европа олий таълим маконида Европа таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва йўриқномалари (ESG – The Standards and guidelines for quality assurance in the European Higher Education Area) ишлаб чиқилган бўлиб, Европадаги таълим сифатини таъминлаш тизими учун умумий ҳамда бирламчи талабларни ўз ичига олади. Ушбу реестр ESG талабларига мувофиқ фаолият юритиб келаётган нуфузли аккредитация ташкилотларининг реестрини юритувчи мустақил ташкилот ҳисобланади.



Марказий ва Шарқий Европада таълим сифатини таъминлаш тармоғи (CEENQA – Central and Eastern European Network of Quality Assurance Agencies in Higher Education) Германияда жойлашган бўлиб, 2000 йилдан буён фаолият юритади ва 20 дан ортиқ давлатларнинг аккредитациядан ўтказишга масъул ташкилотлари аъзоликка қабул қилинган [6]. Асосий мақсади – таълимда сифатни таъминлаш бўйича аниқ белгиланган ва эълон қилинган тартиб ва мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жараённи шаффоф ҳолда амалга оширишдан иборат.



Олий таълим аккредитацияси кенгаши – (CHEA – The Council for Higher Education Accreditation) 1996 йилдан буён АҚШда фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилотдир [7]. Асосий мақсади – АҚШдаги ваколатли аккредитация ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш, таълим сифатини баҳолаш ва ошириш бўйича хорижий аккредитация ташкилотлари ҳамда экспертларни халқаро тармоққа бирлаштириш.



Осиё-тинч океани минтақаси сифат тармоғи (APQN – Asia-Pacific Quality Network) 2003 йилдан буён фаолият юритиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, штаб-квартираси Хитойнинг Шанхай шаҳрида жойлашган [8]. Бугунги кунга қадар 45 та давлатнинг 253 та таълим сифатини таъминлаш, аккредитация қилиш ва тан олишга масъул ташкилотлари аъзоликка қабул қилинган. Ушбу ташкилот Осиё Тинч океани минтақасидаги таълим сифатини



таъминлаш бўйича энг йирик ташкилот ҳисобланади. Асосий мақсади — аъзо давлатлар ўртасида олий таълим квалификацияларини тан олиш жараёнларининг шаффофлиги ва уйғунлигини таъминлаш, ваколатли аккредитация ташкилотларининг таълим сифатини баҳолаш тамойилларини уйғунлаштириш.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича ҳуқуқий асослар етарли эмас. Шунингдек, таълим сифатини таъминлашга масъул ваколатли давлат органи томонидан халқаро аккредитация ташкилотларининг махсус реестри юритилмайди. Шу сабабли, олий таълим муассасалари давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда аккредитация агентликлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи халқаро уюшмаларга аъзо бўлган ташкилотлар орқали фаолиятларини аккредитациядан ўтказишлари тавсия этилади.

ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Бугунги кунда таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказишнинг қуйидаги икки турлари мавжуд:

1. **Бир олий таълим муассасаси доирасидаги таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш;**
2. **Қўшма таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш.**

Муайян бир олий таълим муассасаси доирасидаги таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш тартиби одатдагидек олий таълим муассасасининг мустақил равишда халқаро аккредитация ташкилотига бевосита мурожаати асосида амалга оширилади.

Қўшма таълим дастурлари эса иккита ҳамкор олий таълим муассасасининг ўзаро келишуви асосида аккредитация ташкилотини танлаш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, халқаро аккредитация ташкилотларининг таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш жараёни бир-бирига ўхшаш бўлади.

Одатда аккредитация жараёни қуйидаги **уч босқичда** амалга оширилади:

- ўзини ўзи баҳолаш;
- экспертлар ташрифи;
- комиссия қарори;



Аввало, олий таълим муассасаси ўз имкониятларини ўзи баҳолаган ҳолда, маълумотларни экспертлар гуруҳига тақдим этади. Шундан сўнг олий таълим муассасасига экспертлар ташриф буюради ва қўшимча баҳолашни амалга оширади ҳамда тайёрланган хулосаларни аккредитациядан ўтказаетган ташкилот комиссиясига киритади. Охириги босқичда аккредитация комиссияси томонидан якуний қарор қабул қилинади.

Қуйида Германиянинг 20 йиллик тажрибага эга **Аккредитация, сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш институти** (ACQUIN – Accreditation, Certification and Quality Assurance Institute)нинг таълим

дастурларини аккредитациядан ўтказиш тартиби ва босқичлари тўғрисидаги маълумотлар намуна сифатида келтирилган.

ACQUIN таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш жараёнида **Европа олий таълим ҳудудида олий таълим сифатини таъминлаш бўйича стандартлар ва йўриқномалар** (ESG – Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area)да белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга риоя қилади.

БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ

Дастлабки босқич – ACQUIN ва олий таълим муассасаси ўзаро келишув асосида, қонун талабларига мувофиқ таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш структураси ва ҳажмини белгилайди. (ESG 2.1, 2.2). Бошқача айтганда, олий таълим муассасаси халқаро аккредитация ташкилотига таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш масаласида мурожаат қилади ва ACQUIN билан шартнома имзолайди.

Иккинчи босқич – олий таълим муассасаси ACQUINга ўз-ўзини баҳолаш ҳисоботини тақдим этади. Шундан сўнг олий таълим муассасасига барча манфаатдор томонлар, жумладан, профессор-ўқитувчилар ва талабалардан иборат эксперт гуруҳи ташриф буюради. Ташриф давомида экспертлар хулосаси шакллантирилиб, аниқ белгиланган кейинги ҳаракатлар режаси келишиб олинади. (ESG 2.3).

Учинчи босқич – ACQUIN олий таълим муассасаси билан маслаҳатлашган ҳолда тажрибали ва малакали экспертлар гуруҳини шакллантиради. Экспертлар гуруҳи ташқи аудит сифатида коллегиал текширув ўтказади. Экспертлар аккредитация ва тегишли ўқув дастурлари бўйича юқори малакага эга мутахассислардан танлаб олинади. Одатда экспертлар гуруҳи профессор-ўқитувчилар, амалиётчи-мутахассислар ва талабалардан иборат бўлади. Агар лозим бўлса, экспертлар таркибига миллий экспертлар, жумладан, маҳаллий олий таълим муассасаларнинг ходимлари ҳам киритилиши мумкин. (ESG 2.4).

Тўртинчи босқич – экспертлар гуруҳи ўқув дастурларини олдиндан белгиланган мезонлар ва илмий стандартлар асосида баҳолайди. Белгиланган стандартларга мувофиқлик даражасига қараб, мутахассислар тегишли талаб, таклиф ва тавсияларини илгари сурадилар. (ESG 2.5).

Бешинчи босқич — ACQUIN экспертлар хулосасини эълон қилади. Экспертлар хулосаси ўқув дастурлари бўйича далиллар, таҳлиллар, хулосалар, шунингдек, муассасанинг тавсифи, аккредитация тартиби ва экспертлар тўғрисидаги умумий маълумотлардан ташкил топади. Ҳисобот тўлдирилишидан олдин муассаса аккредитация ташкилоти томонидан йўл қўйилган айрим хатоларни кўрсатиб ўтиши мумкин. ACQUINнинг аккредитация комиссияси экспертлар томонидан берилган тавсияларни олий таълим муассасасининг дастлабки ҳисоботи асосида шаклланган баҳолар билан тўлдиради. (ESG 2.6).

Охирги босқич — олий таълим муассасаси аккредитациянинг исталган босқичида шикоят ва апелляция бериш ҳуқуқига эга. Олий таълим муассасаси етарли далиллар келтирган ҳолда (масалан, тарафкашлик гумони билан), ACQUIN томонидан тайинланган экспертлар таркибидаги бир ёки бир нечта аъзоларга эътироз билдириши мумкин. Шунингдек, олий таълим муассасаси экспертиза хулосасида баён этилган ноаниқликлар, таҳлиллар ва хулосаларни тузатишни талаб қилиши ҳам мумкин. Энг асосийси, олий таълим муассасаси аккредитация тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. ACQUINнинг аккредитация комиссияси апелляция юзасидан қарор қабул қилади. Агар олий таълим муассасаси қайта кўриб чиқилган натижаларни тан олмаса, у ҳолда ACQUINнинг Апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин. (ESG 2.7).

Қуйида таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш тартиби жадвал кўринишида баён этилган:

Босқич	ACQUIN	Эксперт гуруҳи	Олий таълим муассасаси
ОТМ ва ACQUIN ўртасидаги шартнома			
Эксперт гуруҳини тайинлаш	ACQUIN экспертларни тайинлайди		ОТМ таълим дастурлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни юборади

Ўз-ўзини баҳолаш ҳисоботи	АСQUIN ўзини ўзи баҳолаш ҳисоботининг тўғрилиги ва тўлиқлигини текширади		ОТМ экспертлар гуруҳини қабул қилади
	Ташриф давомида АСQUIN координатори алоқа ўрнатувчи шахс сифатида ОТМни қўллаб-қувватлайди		ОТМ ўзини ўзи баҳолаш ҳисоботини тайёрлайди ва тақдим этади
ОТМга ташрифни ташкил этиш	АСQUIN координатори эксперт гуруҳи аъзоларини зарур маълумотлар билан таъминлайди ва уларга ўз вазифаларини амалга оширишда кўмаклашади		ОТМ координатор билан биргаликда ташрифни уюштиради
ОТМга ташриф ва эксперт хулосасини шакллантириш	Координатор ОТМга ташрифни ташкил этиб, ҳамроҳлик қилади	Эксперт гуруҳи ОТМ вакиллари билан муҳокамага киришади	
		Эксперт гуруҳи хулоса тузади	Раҳбарият, профессор-ўқитувчилар ва ОТМ талабалари таълим дастурлари ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этади

Аккредитация тўғрисидаги қарор	ACQUINнинг аккредитация комиссияси аккредитация тўғрисида қарор қабул қилади ACQUIN хулосани эълон қилади		Зарур ҳолларда ОТМ хулоса учун ариза беради
			ОТМ қарор ҳақида хабардор қилинади ҳамда сертификатлар ва ҳужжатлар тақдим этилади

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ACQUIN ESGга мувофиқ, ОТМнинг қуйидаги ўнта ички сифат кафолати мезонларини баҳолайди:

1. Сифатни таъминлаш сиёсати ва тартиблари.
2. Дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. Талабага йўналтирилган таълим, ўқитиш ва баҳолаш.
4. Ўқишга қабул қилиш, ўзлаштириш, талабалар сафидан чиқариш, тан олиш ва сертификатлаш.
5. Профессор-ўқитувчилар таркиби.
6. Таълим ресурслари ва талабаларни қўллаб-қувватлаш тизими.
7. Ахборотни бошқариш.
8. Жамоатчиликни хабардор қилиш.
9. Доимий мониторинг ва дастурларни даврий баҳолаб бориш.
10. Даврий ташқи сифат кафолати тартиб-таомиллари.

Бундан ташқари, ACQUIN ОТМ ўқув режаларининг миллий қонунчиликка, шунингдек, миллий ва халқаро илмий стандартлар (Европа малака рамкаси ёки Европа кредитни кўчириш ва жамғариш тизими (ECTC)га мувофиқлигини ҳам текшириши мумкин.

АККРЕДИТАЦИЯ ҚАРОРИ

Комиссия ҳар бир стандартни баҳолашда **тўлиқ мувофиқ, қисман мувофиқ ва мувофиқ эмас** каби турларга ажратади. Мувофиқлик даражасига қараб, таълим дастурларини аккредитация қилиш жараёни натижалари **уч хил кўринишда** бўлиши мумкин:

Тўлиқ аккредитация / мажбурият юкланмаган аккредитация/ ESG стандартларига мувофиқлик – таълим дастурлари барча аккредитация мезонларига жавоб беради. Қисман номувофиқликлар аниқланса, мутахассислар тавсиялар бериши мумкин. Ушбу тавсиялар ОТМ томонидан келгуси фаолиятида таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида ҳисобга олинади.

Шартли аккредитация / мажбурият юкланган аккредитация / ESG стандартларига қисман мувофиқлик – таълим дастурлари барча ESG мезонларига тўлиқ жавоб бермайди. Баъзи жиҳатлар ESGга мувофиқ қайта кўриб чиқилиши керак. Шартли аккредитация ОТМни қайсидир даражада дисквалификация қилишни англамайди. ОТМга аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун маълум бир муддат берилади. ОТМ шу муддат ичида берилган шартларни бажариши керак бўлади.

Аккредитацияни рад этиш: бир ёки бир нечта ESG стандартларига мос эмаслик – таълим дастурлари аккредитациянинг кўпгина мезонларига жавоб бермайди. Камчиликлар шунчалик кўпки, уларни муайян ва қисқа вақт ичида амалга ошириб бўлмайди. Бундай ҳолатда, аккредитация комиссияси аккредитация ўтказишдан бош тартади. ОТМ камчиликларни бартараф этиш муддатини узайтириш учун аккредитация жараёнини тўхтатиб туриши мумкин.



ИНСТИТУЦИОНАЛ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи ОТМлари нафақат таълим дастурларини, балки олий таълим муассасаси фаолиятини ҳам халқаро аккредитациядан ўтказишга алоҳида урғу бермоқдалар. ОТМ фаолиятини халқаро аккредитациядан ўтказиш институционал халқаро аккредитация деб номланади. Институционал халқаро аккредитациядан ўтиш жараёни ҳам таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш жараёнига ўхшаш бўлади. Институционал халқаро аккредитациянинг ягона фарқли жиҳати аккредитация давомида ОТМнинг бутун фаолияти баҳоланади.

Қуйида Германиянинг 20 йиллик тажрибага эга **Аккредитация, сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш институти (ACQUIN – Accreditation, Certification and Quality Assurance Institute)**нинг ОТМ фаолиятини институционал халқаро аккредитациядан ўтказиш тартиби ва босқичлари тўғрисидаги маълумотлар намуна сифатида келтирилган.

ACQUINнинг институционал аккредитация текшируви олий таълим муассасаси тузилмаларининг ўқув фаолияти ва илмий тадқиқот стандартларига мос келишини аниқлашга қаратилади. Институционал аккредитациядан кўзланган мақсад олий таълим муассасасининг илмий фаолиятини, шу жумладан, ички сифат назоратини такомиллаштиришдан иборат.

Институционал аккредитация сифатни таъминлашнинг ташқи воситаси сифатида, бир томондан, мавжуд сифатни баҳолашга, иккинчи томондан эса сифатни яхшилаш учун тавсия беришга эътибор қаратади. Таълим сифатини ошириш аккредитациядан ўтказиш жараёнининг асосий йўналиши ҳисобланади. Мутахассислар ОТМнинг институционал тузилмалари фаолиятини таҳлил қилади ҳамда баҳолайди. Холисликни таъминлаш учун экспертлар тузилмалар фаолиятига оид мақсад ва вазифалар, бошқарув тизими ва сифатни таъминлашнинг белгиланган мезонларга мослигини диққат билан ўрганиб чиқади.

Мутахассисларнинг тегишли соҳадаги малакаси ташқи аудитнинг юқори савияда ўтишини таъминлайди.

ACQUIN ОТМ фаолиятини институционал аккредитациядан ўтказиш жараёнида **Европа олий таълим ҳудудида олий таълим**

сифатини таъминлаш бўйича стандартлар ва йўриқномалар (ESG – Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area)да белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга риоя қилади.

БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ

Дастлабки босқич – ACQUIN ва ОТМ ўзаро келишув асосида, қонун талабларига мувофиқ ОТМ фаолиятини аккредитациядан ўтказиш бўйича институционал аккредитация тузилмасини белгилайди. (ESG 2.1, 2.2). Бошқача айтганда, олий таълим муассасаси халқаро аккредитация ташкилотига ОТМ фаолиятини аккредитациядан ўтказиш масаласида муурожаат қилади ва ACQUIN билан шартнома имзолайди.

Иккинчи босқич – ОТМ ACQUINга ўз-ўзини баҳолаш ҳисоботи ва қўшимча маълумотларни электрон кўринишда тақдим этади. Шундан сўнг ОТМга барча манфаатдор томонлар, жумаладан, раҳбарият, администрация, профессор-ўқитувчилар, битирувчилар ва талабалардан иборат эксперт гуруҳи ташриф буюради. Ташриф давомидаги текширувлар ҳамда ОТМнинг ўз-ўзини баҳолаш ҳисоботи асосида экспертлар хулосаси шакллантирилади. (ESG 2.3).

Учинчи босқич – ACQUIN ОТМ билан маслаҳатлашган ҳолда тажрибали ва малакали экспертлар гуруҳини шакллантиради. Экспертлар гуруҳи ташқи аудит сифатида коллегиял текширув ўтказиши. Экспертлар институционал аккредитация масалалари бўйича юқори малакага эга мутахассислардан танлаб олинади. Одатда экспертлар гуруҳи профессор-ўқитувчилар, амалиётчи-мутахассислар ва талабалардан иборат бўлади. Агар лозим бўлса, экспертлар таркибига миллий экспертлар ҳам киритилиши мумкин. (ESG 2.4).

Тўртинчи босқич – экспертлар гуруҳи ОТМ тузилмаларини олдиндан белгиланган мезонлар ва тавсияларга мувофиқ баҳолайди. Белгиланган стандартларга мувофиқлик даражасига қараб, мутахассислар тегишли талаб, таклиф ва тавсияларини илгари сурадилар. (ESG 2.5).

Бешинчи босқич – ACQUIN экспертлар хулосасини эълон қилади. Экспертлар хулосаси институционал тузилмага оид далиллар, таҳлиллар, хулосалар, шунингдек, муассаса тавсифи ва аккредитация

тартиби тўғрисидаги умумий маълумотлардан ташкил топган бўлади. Ҳисобот тўлдирилишидан олдин муассаса аккредитация ташкилоти томонидан йўл қўйилган айрим хатоларни кўрсатиб ўтиши мумкин. ACQUINнинг аккредитация комиссияси экспертлар томонидан берилган тавсияларни ОТМнинг дастлабки ҳисоботи асосида шаклланган баҳолар билан тўлдиради. (ESG 2.6).

Охириги босқич – ОТМ аккредитациянинг исталган босқичида шикоят ва апелляция бериш ҳуқуқига эга. ОТМ етарли далиллар келтирган ҳолда (масалан, тарафкашлик гумони билан) ACQUIN томонидан тайинланган экспертлар таркибидаги бир ёки бир нечта аъзоларга эътироз билдириши мумкин. Шунингдек, ОТМ экспертиза хулосасида баён этилган ноаниқликлар, таҳлиллар ва хулосаларни тузатишни талаб қилиши ҳам мумкин. Энг асосийси, олий таълим муассасаси аккредитация тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. ACQUINнинг аккредитация комиссияси апелляция юзасидан қарор қабул қилади. Агар ОТМ қайта кўриб чиқилган натижаларни тан олмаса, у ҳолда ACQUINнинг Апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин. (ESG 2.7).

Қуйида ОТМ фаолиятини институционал аккредитациядан ўтказиш тартиби жадвал кўринишида баён этилган:

Босқич	ACQUIN	Эксперт гуруҳи	Олий таълим муассасаси
ОТМ ва ACQUIN ўртасидаги шартнома			
Эксперт гуруҳини тайинлаш	ACQUIN экспертларни тайинлайди		ОТМ ўз фаолиятига оид асосий маълумотларни тақдим этади
Ўз-ўзини баҳолаш ҳисоботи	ACQUIN ўзини ўзи баҳолаш ҳисоботининг тўғрилиги ва тўлиқлигини текширади		ОТМ экспертлар гуруҳини тасдиқлайди

	<p>Ташриф давомида ACQUIN координатори алоқа ўрнатувчи шахс сифатида ОТМни қўллаб-қувватлайди</p>		<p>ОТМ ўзини ўзи баҳолаш ҳисоботини тайёрлайди ва тақдим этади</p>
<p>ОТМга ташрифни ташкил этиш</p>	<p>ACQUIN координатори эксперт гуруҳи аъзоларини зарур маълумотлар билан таъминлайди ва уларга ўз вазифаларини амалга оширишда кўмаклашади</p>		<p>ОТМ координатор билан биргаликда ташрифни уюштиради</p>
<p>ОТМга ташриф ва эксперт хулосасини шакллантириш</p>	<p>Координатор ОТМга ташрифни ташкил этиб, ҳамроҳлик қилади</p>	<p>Эксперт гуруҳи ОТМ вакиллари билан муҳокамага киришади</p>	
		<p>Эксперт гуруҳи хулоса тузади</p>	<p>Раҳбарият, профессор-ўқитувчилар ва ОТМ талабалари таълим дастурлари ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этади</p>

Аккредитация тўғрисидаги қарор	ACQUINнинг аккредитация комиссияси аккредитация тўғрисида қарор қабул қилади		Зарур ҳолларда ОТМ хулоса учун ариза беради
	ACQUIN хулосани эълон қилади		ОТМ қарор ҳақида хабардор қилинади ҳамда сертификатлар ва ҳужжатлар тақдим этилади

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Институционал аккредитацияда олий таълим ташкилоти ва унинг фаолиятига баҳо берилади. Шундан келиб чиқиб, институционал аккредитацияда асосий эътибор қуйидаги йўналишларга қаратилади:

- ОТМнинг қарор қабул қилиш жараёнларига;
- институционал тузилмалар таҳлиliga;
- стратегик бошқарув самарадорлигига;
- сифатни бошқаришнинг ички жараёнлари долзарблиги ва улардан қарорлар қабул қилиш ва стратегик бошқарувда қанчалик самарали фойдаланилиши, шунингдек, ушбу механизмларда аниқланган ички камчиликларга;
- ресурсларга;
- таълим бериш ва ўрганишга;
- сифатни таъминлаш кафолатларига.

Шунингдек, ACQUIN ESGга мувофиқ, ОТМнинг қуйидаги **ўнта ички сифат кафолати мезонларини** баҳолайди:

1. Сифатни таъминлаш сиёсати ва тартиблари;
2. Дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
3. Талабага йўналтирилган таълим, ўқитиш ва баҳолаш;
4. Ўқишга қабул қилиш, ўзлаштириш, талабалар сафидан чиқариш, тан олиш ва сертификатлаш;

5. Профессор-ўқитувчилар таркиби;
6. Таълим ресурслари ва талабаларни қўллаб-қувватлаш тизими;
7. Ахборотни бошқариш;
8. Жамоатчиликни хабардор қилиш;
9. Доимий мониторинг ва дастурларни даврий баҳолаб бориш;
10. Даврий ташқи сифат кафолати тартиб-таомиллари.

Бундан ташқари, ACQUIN ОТМ тузилмаларининг миллий қонунчиликка, шунингдек, миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлигини ҳам текшириши мумкин.

Бунга қўшимча тарзда ACQUINнинг баҳолаш тизими Германия табиий ва гуманитар фанлар кенгашининг нодавлат олий таълим муассасалари институционал аккредитацияси мезонлари асосида амалга оширилади (“Нодавлат олий таълим муассасаларини аккредитациядан ўтказиш бўйича йўриқнома”, 4-бўлим):

1-баҳолаш соҳаси: Институционал концепция, тармоқ ва тараққиёт мақсадлари;

2-баҳолаш соҳаси: Бошқарув тузилмаси, сифатни ташкил этиш ва бошқариш;

3-баҳолаш соҳаси: Ходимлар;

4-баҳолаш соҳаси: Ўрганиш ва ўқитиш;

5-баҳолаш соҳаси: Тадқиқот;

6-баҳолаш соҳаси: Моддий-техника базаси;

7-баҳолаш соҳаси: Молиялаштириш.

АККРЕДИТАЦИЯ ҚАРОРИ

Комиссия ҳар бир стандартни баҳолашда **тўлиқ мувофиқ, қисман мувофиқ ва мувофиқ эмас** каби турларга ажратади. Мувофиқлик даражасига қараб, институционал аккредитация жараёни натижалари уч хил кўринишда бўлиши мумкин:

Тўлиқ аккредитация/ мажбурият юкланмаган аккредитация / ESG стандартларига мувофиқлик – институционал тузилма барча аккредитация мезонларига жавоб беради. Қисман номувофиқликлар аниқланса, экспертлар тавсиялар бериши мумкин. Ушбу тавсиялар ОТМ томонидан келгуси фаолиятида таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида ҳисобга олинади.



Шартли аккредитация / мажбурият юкланган аккредитация / ESG стандартларига қисман мувофиқлик – Институционал тузилма камида битта мезонга ҳам тўлиқ жавоб бермайди. Баъзи жиҳатлар белгиланган стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим. Олий таълим ташкилоти белгиланган шартларни маълум вақт ичида бажариши керак.

Аккредитацияни рад этиш: бир ёки бир нечта ESG стандартларига мос эмаслик – институционал тузилма аккредитациянинг бир ёки бир нечта мезонларига жавоб бермайди. Камчиликлар шунчалик кўпки, муайян ёки қисқа вақт ичида уларни барча стандартларга мувофиқлаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда, аккредитация комиссияси аккредитация ўтказишдан бош тартади.

ОТМ камчиликларни бартараф этиш муддатини узайтириш учун аккредитация жараёнини тўхтатиб қўйиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аккредитация <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/24997>
2. What Is Accreditation? // <https://www.abet.org/accreditation/what-is-accreditation/>
3. Mission and Valuyes. <https://www.inqaahe.org/presentation>
4. ENQA's Mission <https://www.yenqa.yeu/about-enqa/>
5. Organisation & Structure <https://www.yeqar.yeu/about/yeqar-structure/>
6. Short history <https://www.cyeenqa.org/about-us/organisation/>
7. About CHEA. <https://www.chea.org/about-chea>
8. About Asia Pacific Quality Network (APQN) <https://apqn.org/>
9. Organisation & Structure // <https://www.yeqar.yeu/about/yeqar-structure/>
10. Accreditation, Certification and Quality Assurance Institute (ACQUIN) // <https://www.ACQUIN.org/ru/>
11. Accreditation of Joint Programmes // <https://www.zeva.org/international/information-in-english/accreditation-of-jointprogrammes#:~:text=Joint%20Programmes%20are%20study%20programmes,core%20feature%20of%20joint%20programmes.>
12. European Approach for Quality Assurance of Joint Programmes // https://www.yeqar.yeu/assets/uploads/2018/04/02_European_Approach_Q_A_of_Joint_Programmes_v1_0.pdf
13. Институциональная аккредитация // <https://www.asiin.de/ru/institutsionalnaya-akkreditatsiya.html>
14. Международная аккредитация // <https://iaar.agency/accreditation>
15. Аккредитация высшего и послевузовского образования // <https://iqaa.kz/vysshee-obrazovaniye/akkreditatsiya>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Халқаро аккредитация: мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.....	5
Олий таълим муассасаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятининг ишончилигини қандай аниқлаш мумкин?	7
Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш тартиби қандай?	13
Институционал халқаро аккредитациядан ўтиш тартиби қандай?	19
Фойдаланилган адабиётлар	26

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ
ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,47.
Нашр б.т. 0,875. Адади 250 нусха. Буюртма №104.
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-3-1



9 789943 721531